

Ўтказилган илмий тадбир тўғрисида ҳисбот

1	Илмий тадбир мавзуси	“Марказий Осиё фалсафий тафаккур тараққиётида тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти”
2	Илмий тадбир макоми	Республика анжумани
3	Илмий тадбирнинг йўналиши, мақсад ва вазифалари	<p>Йўналиш: республикамизнинг ижтимоий-сийёсий тараққиёти ва маданий ривожланишини ўрганиш соҳасида қўлга киритилган ютуклар ва долзарб муаммолари</p> <p>Мақсад: асосий мақсад шуки, тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бўлган қўллэзмаларни тадқиқ этиб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакор меросимиз борлигини англатиш, фарзандларимизни шу улуғ меросга муносаб этиб тарбиялашдан иборат.</p>
4	Мухокама килинган масалалар	<ol style="list-style-type: none"> Тасаввуфий гояларнинг генезиси. Марказий Осиёда илк тасаввуфий тариқатлар. Марказий Осиёда мумтоз тасаввуфий тариқатлар. Тасаввуфдаги фалсафий гоялар. Зиёрат туризми: муаммолар ва ечимлар.
5	Илмий тадбир якуни буйича иатижалар	Анжуман доирасида республикадаги соҳа мутахассислари, ёш илмий изланувчилар ва Ватанимиз тарихи билан қизиқадиган профессор-ўқитувчиларнинг маърузалари асосида фикр алмашинди, анжуман якунида илмий-амалий тадқиқот натижалари мухокама қилинди.
6	Жами иштирокчилар сони	50 киши (оффлайн)
7	Шундан хорижий иштирокчилар сони	—
8	Махаллий иштирокчилар сони	50 киши
9	Имзоланган меморандум ва шартномалар сони	—
10	Анжуман материаллари тупламида чоп этилган макола ва тезисларнинг умумий сони	86

БМТИ ректори :

проф. Н.Р.Баракаев

“Ижтимоий фанлар кафедраси” мудири:

доц. Э.Х.Зоиров





“Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришига ўргатишимиш, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қороллантишишимиз зарур”

Ш.М.Мирзиёев

Мұхтарам _____

Сизни 2022 йил, 25 март куни соат 10⁰⁰да “Марказий Осиё фалсафий тафаккур тараққиётида тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти” мавзудаги Республика миқёсида ўтказиладиган анъанавий илмий-назарий аңжуманга тақлиф этамиз.

Аңжуманнинг очилиш маросими Бухоро мұхандислик-технология институты 1-биносы маҗлислислар залида 2022 йил, 25 март куни соат 10⁰⁰да ўтказилади.

Манзил: Бухоро мұхандислик-технология институты 1- ўкув бино, 202 – кичик маҗлислислар зали

АНЖУМАН ДАСТУРИ:

Кириш сўзи.

Н.Р.Баракаев - Бухоро мұхандислик – технология институти ректори, техника фанлари доктори, профессор.

- 1. Кириш сўзи. БухМТИ ректори, проф. Н.Р.Баракаев*
- 2. Нақибандия тариқатларининг зубда ва хуносаси. Ф.ф.д., проф. Г.Н.Наврӯзова.*
- 3. Хожагон тариқатида дискурсив ва интуитив билиш диалектикаси. Ф.ф.н., доц. О.Т.Шарипова*
- 4. Ибн Арабий гояларининг тасаввуф таълимотида тутган ўрни. С.ф.н., доц., А.О. Болтаев*
- 5. Мавлоно Яъқубий Чархий-нақибандия таълимотининг намоёндаси. Ижтимоий фанлар кафедраси мудири, доц. Э.Х. Зойиров*

Анжуман мавзуси юзасидан савол - жавоблар

“МАРКАЗИЙ ОСИЁ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИДА ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ”

МАВЗУИДАГИ РЕСПУБЛИКА АНЖУМАНИ



Асосий мақсад шуки, тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варақ қўллэма бўлса ҳам, уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини англатиш, фарзандларимизни шу улуг меросга муносиб этиб тарбиялашдан иборат.

*Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

мамлакатимиз олдида илм-фан, рақамли иқтисодиёт, инновацион ғоя ва ёндашувлар асосида тараққиётга эришиш, таълимни ривожлантириш, илмий ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш, жамиятда олимлар, зиёлилар мавқеини кўтариш, янги авлод кадрларини билимли ва шижаотли, ватанпарвар қилиб тарбиялаш каби муҳим ишлар турибди.

Тасаввуф – узоқ асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга хизмат қилиб келган диний ва дунёвий қарашлар уйғунлигидан иборат таълимотдир. Тарихимизда халқимизни таркидунёчиликка эмас, балки ижтимоий фаол ҳаёт тарзига даъват этган ғоялар ва қарашлар тараннум этилган нодир асарларни илмий тадқиқ этиш ва юзага чиқариш шарқшунос-исломшунослар олдида турган муҳим вазифалардан бири хисобланади.

Бугунги кунда юртимизда маънавий қадриятлар юксалишида ўзига хос ўрин тутган тасаввуф таълимотининг шакланиш жараёни, тарихий ўрнини кўрсатиб бериш, тасаввуфий манбаларни холисона тадқиқ этиш ҳамда унинг инсонпарварлик ғоялари билан уйғунлашиши ёш авлодни комил инсон бўлиб етишишида катта аҳамиятга эгалиги ушбу соҳани кенг кўламда ўрганишни тақозо этмоқда. Зеро, бугунги кунда

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**

**ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР
КАФЕДРАСИ**

**Марказий Осиё фалсафий тафаккур
тараққиётидаги тасаввуф
таълимотининг ўрни ва аҳамияти**

**мавзусидаги республика илмий-
назарий анжуманининг**

ТАКЛИФНОМА ВА ДАСТУРИ



БУХОРО - 2022



Янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегиясида илгари сурилган устивор вазифалар ва тавсиялардан, “2020 йилда Бухоро шаҳри “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши, ҳамда Бухоро вилоят ҳокимининг 2018 йил 16 майдаги 147-ф-сон фармойиши билан “2020 йилда Бухоро шаҳрининг “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши муносабати билан вилоятда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси”дан келиб чиқсан ҳолда “Ижтимоий фанлар” кафедраси ва ўзаро ҳамкорлик доирасида бажарилаётган ишларни амалиёт билан интеграциялаш мақсадида 2022 йилнинг 25 марта “**Марказий Осиё фалсафий тафаккур тараққиётида тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти**” мавзусида республика миқёсидаги илмий–назарий анжуман ўтказди. Анжумандаги Ўзбекистоннинг нуфузли олий таълим муассасаларидан Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Андижон давлат университети, Фарғона давлат университети, Самарқанд чет тиллар университети ҳамда Бухоро вилоятининг барча олий таълим муассасалари профессор – ўқитувчилари иштирок этди.

Анжуманни Бухоро мұхандислик-технология институты ректори профессори Н.Р.Баракаев очиб бериб, тасаввуф ислом илмлари орасида катта аҳамиятга эгалиги, унинг моҳиятида фалсафа, дин, шариат ҳамда одоб-ахлоқ каби тушунчалар жамулжам бўлганини кўришимиз, инсоннинг руҳий-ахлоқий покланиши ва илоҳий мұхаббатдан қувват олиб юксалиб бориши бу таълимотнинг асосий ғояларидан бири эканлиги хусусида тўхталиб ўтдилар.

Тадбир давомида профессор Г.Н.Наврӯзова “Нақшбандия тариқатларининг зубда ва хулосаси” мавзуида,



Бухоро давлат университети доценти, ф.ф.н. О.Т.Шарипова “Хожагон тариқатида дискурсив ва интуитив билиш диалектикаси” мавзуида,

Бухоро давлат университети доценти, с.ф.н. А.О.Болтаев “Иbn Арабий ғояларининг тасаввуф таълимотида тутган ўрни” мавзуида, Бух МТИ Ижтимоий



фанлар кафедраси мудири, доцент Э.Х.Зойиров “Мавлоно Яъқубий Чархий-нақшбандия таълимотининг намоёндаси” мавзуида маъruzalар қилдилар.

Шунингдек, тадбир давомида бухоро тиббиёт институти доценти М.Гулямова хам ўз маъruzalari билан иштирок этиб, тасаввуф – ёмондан холи бўлиш, яхшидан ибрат олиш или қурбат ва висолга эришишdir. У инсонни қайта бино қилиш ва уни ҳар бир фикр, сўз, иш, ниятда Рабби или



боғлашдир, тасаввуф сулук тарзи бўлиб, унинг асоси нафс пок ва рух олий бўлиши учун содда ҳаёт ва фазилатлар ила зийнатланиб яшамоқлик хусусида тўхтадилар. Тадбирда институт иқтидорли талабалари хам иштирок этиб, 702-21 ТЖБ гуруҳи талабаси Асадбек Рахмонов хам ўз маъruzasi билан иштирок этиб, Тасаввуф нафсни поклаш, гўзал хулқقا эга бўлиш, қалбни фақат Аллоҳ таолонинг муҳаббатига йўналтириш ва шу мақомда туриш, шунингдек тасаввуфда бир нечта машҳур йўналишлар бўлиб, улар тариқат дейилиши, улар ўша тариқатга асос солган шайхнинг номи билан номланган, марказий Осиёда яссавия ва нақшбандия тариқати кенг ёйилганлиги тўғрисида гапирди.



Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, тасаввуф дунёни билишни ва инсоннинг дунё ва коинот, замон ва макон, лаҳза ва абадият, ҳодиса ва моҳият ҳақидаги тушунчалари билан боғлиқ қарашларни ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам тасаввуфни илм-маърифат тараққиётидан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди.

Бухоро мұхандислик – технология институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири фалсафа фанлари номзоди, доцент Э.Х.Зойиров